



# НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.nuquq.uz

2020-Ҳ. 3-ДЕКАБР, №48 (1245)

3 ДЕКАБРЬ –  
Халқаро ногиронлар куни

## ИМКОНИАТИ ЧЕГАРА БИЛМАСЛАР



Парасузиш бўйича Ўзбекистоннинг уч карра чемпиони, «Ўзбегим аёли» миллий мукофоти совриндори бўлган Нилуфарнинг кўриниши сизу бизникдан фарқли. Унинг қўллари ўрнига Яратган жуда катта иштиёқ ато этганки, тўрт мучаси соғлар эпллмаган ишларни шу қиз уддалайди, қўрқмасдан юксак довларни кўзлайди.

6-БЕТ



## ЛОҚАЙДЛИК – ОСОЙИШТАЛИККА ТАҲДИД

Айрим масъулларнинг бепарволик ва лоқайдликка берилгани оқибатида сўнгги вақтларда Тошкент шаҳрида криминоген вазият ташвишли аҳволга келган.

2-БЕТ

## Кимдир қилар хор, кимдир эса зор

Фуқаро Г.С.нинг бир ярим яшар боласини сотиш ҳақидаги режасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хабар топишди. Махсус харидор топилиб, Г.С. билан алоқага чиқилди.

– Нима учун сотмокчисиз болангизни? Соғми ишқилиб?

– Ўғлим соппа-соғ. Отаси Россияга ишлагани кетган. Пул жўнатмайди. Ёлғиз бошимга ижара хақи, кредит тўловлари...


– Тушунарли. Қанчага берасиз?

– Бир ярим минг долларга.

– Бўпти, айтганингизга оламан. Фақат олдинига беш юз, қолганини кейин бераман, – деди харидор.

Г.С. унинг шартига кўнди. Улар 2020 йилнинг 1 сентябрь куни Фарғона шаҳрида кўришишди. Г.С. боласини харидорга бериб пулни олди, аммо хурсандчилиги узокқа кўзилмади. У жиноят устида ушланди.

Маълум бўлишича, яқинлари таълим-тарбия-



сини ўз холига ташлаб қўйган қиз турмушга чиқмасдан хомилдор бўлган. 2019 йилнинг 27 март куни ўғил фарзанд кўрган.

Боласини бир буюм каби сотган, инсоний қиёфасини йўқотган аёл судда қилмишига тўлиқ иқдор бўлди. Унинг чакалоғи гўдақлар уйига топширилди. Одам савдосига қўл урган Г.С. уч йилга озодликдан маҳрум этилди.

Элёржон ОМОНБОЕВ,  
Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

## ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Шухрат УЗАКОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари –  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори

4-БЕТ

## МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЎТМОҚДА

Хасан КАБИРДЖАНОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси директори

3-БЕТ

## ВИЖДОНИМИЗ ОЛДИДА ҲАМ МАСЪУЛМИЗ

Эркабай ТАДЖИЕВ,  
Қашқадарё вилояти прокурори

2-БЕТ

### 2021 йил учун 12 ойлик обуна:

«Нуқу» газетасининг йиллик (52 та сон) таннари 330 000 сўм.

Газетани обуначига етказиб бериш ҳисобга олинмаган.

Тегишли ташкилотларнинг хизмат ҳаққини қўшган ҳолда йиллик обуна нархлари қўйидагича.

«Матбуот тарқатувчи» АҚ  
457 608 сўм  
(Тошкент ш.)

«Ўзбекистон почтаси» АЖ «Матбуот тарқатиш» филиали 468 984 сўм (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар), 454 320 сўм (Тошкент ш.)

«Кўҳна-шош» МЧЖ 392 000 сўм (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш.)

«Тошкент почтамти» филиали 454 320 сўм (Тошкент ш.)

«Нуқу» газетаси тахририяти билан шартномаси мавжуд ташкилотлар

## ЛОҚАЙДЛИК — ОСОЙИШТАЛИККА ТАҲДИД

1 декабрь куни Чилонзор туманида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев раислигида ўтган йиғилишда Ички ишлар вазирӣ Пулат Бобожонов, Миллий гвардия кўмондони Рустам Джураев, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Чилонзор тумани сектор раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Тошкент шаҳри бўйича олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар сони вилоятлардагига нисбатан кўплиги, яъни ҳар 100 минг аҳолига 138 тадан тўғри келган бир вақтда, Чилонзор туманида бу кўрсаткич шаҳар кўрсаткичидан қариб икки баравар ортиқ бўлгани ҳолда 246 тани ташкил этаётгани танқид қилинди.

Шунингдек, пандемия сабаб жорий этилган карантинда ҳаракатланиш бирмунча чекланиб, назорат кучайтирилган бир шароитда, Чилонзор туманида криминоген вазиятнинг бундай аянчли ҳолатга келгани туман масъулларининг ўз ишига ўта лоқайд ва юзаки муносабатда бўлганидан далолат бераётгани қайд этилди.

Оқибатда тумандаги вазият барқарорлиги ва аҳоли хотиржамлигига жиддий таъсир қилмаган мудҳиш жиноятлар, жумладан, қасдан одам ўлдириш, фибригарлик, ўғирлик, безорилик ҳамда аёллар ва ишламайдиганлар содир этган жиноятлар кескин ошиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш, босқинчилик, талончилик ҳамда рецидив ва гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар кўрсаткичи юқориликка қолгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликлар тахлили, содир этилган жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ва кўрсаткичлари, очилмаган жиноятлар, қидирувдаги шахслар, уларнинг сабаблари тумандаги ҳар бир ҳулуд, шунингдек, аёллар, ёшлар ва бошқа тоифадаги фуқаролар бўйича танқидий кўриб чиқилди ва атрофича муҳокама қилинди.

Тадбир якунида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан масъулларнинг тушунтириш ва изоҳлари тингланди.

Раислик этувчи томонидан туман ҳудудидаги тоналланган объектлар, катта базорлар ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибни назорат қилишга замонавий усул ва воситаларни кенг татбиқ этиш, жамоат тартиби сақланишини таъминлаш ва қидирувдаги шахсларни тез аниқлаш мақсадида интеллектуал камералар, дронлар, «SOS» тугмачаси ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш чораларини кўриш юзасидан асосий таклиф ва тавсиялар берилди.

JARAYON

## ҲОСИЛГА ЗАМИН ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Фермер хўжаликларидан келгуси йил ҳосилига пухта замин тайёрланмоқда. Фарғона вилояти прокуратураси органлари томонидан ерни шудгорлаш ишлари сифатли ва ўз вақтида ўтказилиши қатъий назоратга олинган.

Бу йил вилоятда 92945 гектар ерни шудгор қилиш режалаштирилган, бунинг учун 335 та трактор шай ҳолатга келтирилган. 170 та шудгорлаш отряди ташкил этилган. 3335 тонна ёнилги захираси тайёрланиб, далада ишлаётган техникаларга етказиб берилмоқда. Ҳозирги кунга қадар 56 минг гектардан зиёд майдон шудгорланди.

Механизаторларга иш ҳақи ҳар беш кунда тарқатилмоқда. Бир кунда 15 гектардан ортиқ ерни шудгорлаган механизаторларга 100 минг сўмдан муқофот пули берилаяпти.

Мониторинг давомида 1122 гектар прокуратураси ер ҳисоботга қўшилгани, мавсумга жалб этилган тракторларнинг 52 таси шудгорлашда қатнашмаётгани, 6 таси бузилиб қолгани, 56 гектар ер сифатсиз шудгорлангани аниқланиб, камчиликлар бартараф этилди. Вилеят прокуратураси органлари томонидан 93 нафар мансабдор кунун бузилишига йўл қўймаслик ҳусусида огоҳлантирилди. Аниқланган кунунбузилишлар бўйича 18 нафар мансабдор интизомий жавобгарликка тортилди.

Нодиржон ДЖАЛОЛОВ,  
Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси



## ВИЖДОНИМИЗ ОЛДИДА ҲАМ МАСЪУЛМИЗ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва яширин иқтисодиётни қисқартириш чоралари кўрилаяпти.

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2020 йилнинг 29 июнида алоҳида орган ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқларидан келиб чиқиб, прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши кураш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилояти прокуратураси органларининг коррупцияга қарши курашга қаратилган фаолияти жадаллаштирилши натижасида ўтган 10 ойда 112 та жиноят фош этилган. Бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 45 та кўп. Шу жумладан, коррупцион жиноятлар оқибатида етказилган 21 миллиард сўмдан ортиқ зарар айбдорлардан давлат бюджетига ундирилди.

Халқ таълими тизимида 13,5 миллиард, соғлиқни сақлаш тизимида 700 миллион, мактабгача таълим тизимида 382,5 миллион, қурилиш соҳасида 397,6 миллион, қишлоқ хўжалигида 451,6 миллион, сув хўжалигида 187,5 миллион, ўзини ўзи бошқариш органларида 270,8 миллион ва бошқа органларда 4,7 миллиард сўм бюджет маблағи талон-торож қилинган.

Бу тоифадаги жиноятларни содир этган 158 нафар шахснинг жавобгарлик масаласи ҳал этилган.

Кейинги даврда порахўрликка қарши кураш кучайди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳар бир раҳбар Конституция ва қонунлар асосида олдиға қўйилган вазифаларни виждонан бажармаса, уруг-аймоқчилик, идоравий манфаат қабилида иш турса, ушбу жамоада коррупцияга қарши кураш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Жорий йилда 79 нафар мансабдор пора олгани аниқланиб, улар жиноий жавобгарликка тортилди.

Порахўрлик назорат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳам учраётгани барчамизни ташвишга солмоқда.

Ташкилот ва идоралардаги коррупциянинг сабаблари ўрганилганда, айрим соҳаларда ички назорат ва юридик хизматнинг ўрни сезилмаётгани, баъзи раҳбарларнинг ўзи бундан манфаатдор эмаслиги ҳам коррупцияга чек қўйишга имкон бермаяпти.

Ҳозирда қонунлар ижросини таъминлашга ҳамда ижросини назорат қилишга масъул 50 дан ортиқ орган мавжуд. Бирок айримларини таъминлашдаги таъсири сезилмаяпти. Бундай ҳолатда қандай қилиб коррупциянинг олдини олиш ҳақида сўз юритилиши мумкин?! Ваҳоланки, назорат идоралари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдиға бирламчи вазифа сифатида жиноятнинг оқибатиға қарши курашиш эмас, балки унинг олдини олиш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунда вилоятимизда коррупцион жиноятлар кўплаб аниқланаётгани бу жиноятларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўришни тақозо қилади.

### 79 нафар мансабдор пора олган.

Президентимиз 12-13 ноябрь кунлари вилоятимизда бўлди. Ташриф якуниға кўра Қашқадарёни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида бюджетдан бир неча триллион сўм пул ажратилиши белгиланди.

Эзгу мақсадға йўналтирилаётган бу пулнинг тўғри ишлатилишиға ҳар биримиз халқимиз олдиға ҳам, виждонимиз олдиға ҳам масъуллигимизни унутмаслигимиз керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда вилоят прокуратурасида вазиятни тизимли мониторинг қилиш гуруҳи ташкил этилди. Бюджет муассасалари раҳбарлари қонунни бузган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида расман огоҳлантирилди.

Бундан ташқари, мазкур гуруҳ томонидан:

- бюджет пулининг тўғри ишлатилишиға масъул идораларнинг фаолияти тахлил қилинди;

- идора ва ташкилотларда коррупцияга қарши ички назорат тизими кучайтирилди;

- статистик маълумотлар ва тахлилий ахборотлар ўрганилиб, бу борадаги фаолият мувофиқлаштирилди;

- коррупция ва бюджет маблағи талон-торож қилингани тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш учун махсус «телеграм-бот» ташкил қилинди;

- прокуратура органларининг коррупцияга қарши кураш бўйича қилаётган ишлари, аниқланаётган қонунбузарликлар ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилди.

Шу ўринда вилоят прокуратураси томонидан ташкил этилган «Прокурор қабули Covid-19» номили «телеграм-бот» бугунги кунда тиббиёт ходимларининг муаммоларини зудлик билан ҳал этишда самарали платформага айланганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ҳозир шундай ҳамкорликни тадбиркорларимиз ва коррупция ҳолатлари тез-тез учраётган таълим соҳаси вакиллари билан ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, бундан кейин бюджет маблағининг тўғри ишлатилиши изчиллик билан текширилади. Коррупцияга қарши курашда идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти жадаллаштирилади. Албатта, бу ишни биз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, назорат идоралари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширамиз.

Давлат бюджети маблағи ноқонуний сарфланишининг олдини олиш бўйича вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда шулар ҳусусида батафсил сўз юритилди ва вазибалар белгилаб олинди.

# МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЎТМОҚДА

Мажбурий ижро бюроси ташкил этилган вақтдан буён доим жамоатчилик эътиборида бўлиб келмоқда.



Илгари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутувчи энергия ресурслари, сув таъминоти ҳамда чиқиндилар соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлади, энди фақат суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаши лозим.

Мажбурий ижро бюроси органлари ташкил этилганидан буён ҳозирга қадар 51 трлн. сўмлик ҳужжатларнинг ижроси таъминланиб, ундирув миқдори 64 фоиз ошди.

Бугунги кунда ижро ҳужжатларининг ягона электрон базаси ишга туширилди. Ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали 32 та ташкилот билан ахборот алмашилмоқда.

Бироқ ишларимизни жадаллаштириш билан бирга, камчиликларни ҳам бартараф этиш муҳим масала бўлиб қоляпти.

Хабарингиз бор, 2020 йилнинг 17 ноябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида суд ҳужжатларини ижро этиш тизимини тақомиллаштириш юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. 24 ноябрь куни эса «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон имзоланди.

Фармон билан Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича республика кенгаши ва худудий кенгашлар ташкил этилади. Республика кенгашига Бош прокурор, худудий кенгашларга эса ҳокимлар раислик қилади, кенгашлар жойларда мажбурий ижро бўйича юзага келаётган муаммоларнинг сабабларини ўрганиб, бартараф этиш чораларини кўради.

Ижро ҳаракатлари жараёнида зиддиятли ва низоли ҳолатларнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Бу жараёнга халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари кенг жалб этилади.

2021 йил 1 январдан бошлаб бюронинг худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари бошликлари ўз фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Жўқорғи кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларига ҳар ярим йилда ҳисобот бериб боради.

2020 йил 1 декабрдан бошлаб жиноят натижасида давлатга етказилган зарар, давлат божлари, жиноий ва маъмурий жарималар, давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар ҳамда давлат даромадига ўтказиладиган мулкни сотишга оид ижро ҳужжатлари бўйича тушган пул алоҳида газначилик ҳисобрақамида жамланади ва «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллашга йўналтирилади.

Эътиборингизни яна бир муҳим жиҳатга қаратсам. Бюрода мулкий ҳуқуқларни рўйхатга олиш, ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириш, жарима ва коммунал тўловларни тўлаш каби 8 тоифадаги мажбуриятсиз ижро ишлари ҳам мавжуд.

Бу каби ишлар ҳозир 1,6 миллиондан ортиқ бўлиб, иш ҳажмининг 35 фоизини, 400 минг сўмгача бўлган маблағларни ундиришга оид ҳужжатлар эса 60 фоизни ташкил этмоқда, бу ўз-ўзидан давлат ижроларининг юкласига салбий таъсир қилади.

Шунинг учун суд қарорларини ижро этишининг соддалаштирилган тартиби жорий қилиниб, ижросини таъминлаш натижасиз бўлгандагина бюро органларига тақдим этиш тартиби йўлга қўйилди.

Эндикда бюрода юритувдаги ижро ҳужжатларининг тоифаланиши ва тааллуқлилиги ҳам белгиланди. Бу тамойил аввало камбағал ва муҳтож оилаларнинг моддий таъминотини яхшилашга хизмат қилади.

Бюронинг марказий аппарати: базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 000 баравари ва ундан ортиқ суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари; хорижий ва халқаро тоифадаги давлат органлари, дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ҳуқуқат ташкилотлари ва уларнинг ваколатхоналари, шунингдек, уларнинг дипломатик иммунитетга эга бўлган ходимларига нисбатан берилган ижро ҳужжатлари; алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича иш олиб боради.

Худудий бошқармалар: базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 000 бараваридан 100 000 бараваригача суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари; ижро ҳужжати бўйича қарздор-юримдик шахс хорижий давлатнинг резиденти ҳисобланган ижро ҳужжатлари ва алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича иш юритади.

Туман ва шаҳар бўлимлари эса юқоридаги тоифага эга бўлмаган ижро ишлари билан шугулланади.

Бюрода алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижро ҳаракатларини олиб борадиган 15 та туманлараро ихтисослашган бўлимлар ташкил этилади.

Яна бир янгилик шуки, 2021 йил март ойдан бошлаб хатланган мулкларнинг

шаффоф ва очик, қулай нархларда электрон савдо ташкилотларида сотилиши йўлга қўйилди. Содда қилиб айтганда, мулкнинг интернет дўконларида сотилиши аҳоли учун ҳам қулай бўлади.

Яхши биламизки, доимо долзарб бўлган алимент ишлари 367 мингга яқин боланинг келажаги билан боғлиқдир. Шу боис 2021 йилдан бошлаб алиментни ҳисоблаш ва тўлаш устидан автоматлаштирилган назорат тизими йўлга қўйилди. Бу эса алиментнинг эгасига ўз вақтида етказилишини таъминлайди.

Жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда билдираётган эътироз ва тақлифларини инobatта олиб, ходимларнинг касб этикаси ва маданиятини оширишга зарурият туғилмоқда.

Шунга асосан 2021 йил 1 январга қадар давлат ижросини лавозимини эгаллаб келган барча ходимлар махсус дастур асосида Бош прокуратура академиясида қайта тайёргарликдан ўтади, курсларни қониқарли тамомлаган ҳолдагина ишини давом эттиради.

Ўқув курсларида касб одоби, психология, зиддиятларни ҳал қилиш ва вақтин бошқариш («тайм-менеджмент») асосларидан сабоқ олишади.

Энди намунали ижрочиларни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили «Йилнинг энг яхши давлат ижросиси» танлови ўтказилади.

Суд ва бошқа органлар қарорларининг ижроси мамлакатимизда қонуни устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқаётган мазкур фармон ижросини сўзсиз таъминлаш, олдимиозга қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш устувор вазифамиздир.

## FAOLIYAT

### ФАРОВОН ТУРМУШ УЧУН

Прокурорлар раҳбарлигидаги секторларда ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаш, ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Каттакўрғон шаҳри ва Иштихон туманларида 15 октябрдан бошлаб «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жорий этилди. Кундалик назорат ташкил қилинди. Хусусан, «Аёллар дафтари» мунтазам ўрганиб борилаётган. Каттакўрғон шаҳридаги 36 та маҳаллада 18815 та хонадон бор, уларда 87901 киши яшайди. 1 ноябрдан 4 ўттиз ёшдан ошган 13469 нафар аёлларнинг 92 фоизи билан суҳбат ўтказилди ҳамда уларга доир маълумотлар электрон базага киритилди. Шу жумладан, 2-секторда 10 та маҳалла мавжуд. Улардаги ўттиз ёшдан ошган аёлларнинг 91 фоизи билан суҳбат уюштирилди.

Иштихон туманида 62 та маҳалла бўлиб, 42282 та хонадонда 255721 киши истиқомат қилади. 2-сектордаги 16 та маҳаллада яшовчи ўттиз ёшдан ўтган аёлларнинг 8261 нафарига оид маълумотлар электрон базага киритилди. «Ёшлар дафтари»ни юритишга ҳам катта аҳамият берилаяпти. 2-сектор доирасида Каттакўрғон шаҳрида ёшларнинг 50 фоизи, Иштихон туманида эса 55 фоизи ҳақида маълумот йиғилди. Синовдан ўтказилаётган ҳудудларда «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни юритиш ҳамда ёшлар, хотин-қизлар билан ишлашнинг намунавий ти-

зимини яратиш бўйича масъул идоралар билан биргаликда иш олиб борилаётган. Прокурорлар раҳбарлигидаги секторларга 290 та маҳалла бириктирилган, уларда 230694 киши истиқомат қилади. 12909 та оила камбағал оила сифатида рўйхатга олинди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаш, шароитини яхшилаш, иш билан таъминлаш чоралари кўрилмақда. Хусусан, қисқа даврда саховатпеша инсонлар ёрдамида эҳтиёжманд оилаларга 8 млрд. 154 млн. сўмдан зиёд ёрдам кўрсатилди. Асосий эътибор камбағал

оилаларнинг меҳнатга лаяқатли аъзоларини иш билан таъминлашга қаратилмоқда. Жумладан, 12909 та камбағал оилада 14995 киши ишсизлиги аниқланди. Уларнинг 4049 нафарига ўзини ўзи банд қилиш гувоҳномаси берилди, 973 киши жамоат ишларига, 164 нафари оилавий тадбиркорликка, 48 киши хунармандчиликка, 126 нафари саноат лойиҳаларига, 2477 киши агросаноат лойиҳаларига жалб қилинди. 358 кишига кооперация асосида ер ажратилди. 1480 нафарига экин экиш учун ер берилган, 2588 нафарининг норасмий бандлиги таъминланиб, 54 нафари қурилиш объектларига жалб қилинган. Натижада 2071 та оила камбағаллик тоифасидан чиқарилди. Бундан ташқари, «темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 2476 тасига Қўрбон ҳайити арафасида 1 млн. сўмдан пул берилди. Камбағал оилаларнинг вилоят прокурорига бириктирилган Қўшрабат, Иштихон ва Файриқ туманлари мактабларида

масофавий таълим олаётган 300 нафар бола, шу жумладан 20 нафар ногирон ўқувчи учун интернет пули тўланган. Эътиборлиси, вилоят прокуратураси томонидан камбағалликдан чиқариш, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтож оилаларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсия прокурор секторларига жорий этилди. Ушбу тажриба Бош прокуратура томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларига юборилди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида вилоят сектори штаби ҳамда вилоят ҳокимлиги ўртасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилганлиги фаолиятда қўл келмоқда. **Муҳиддин БАҲРИТДИНОВ,** Самарқанд вилояти прокурорининг ўринбосари

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилигининг ривожини, фуқароларининг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берадиган асосий қонунидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам том маънода халқимизнинг инсон ҳуқуқларига содқлигини ифода этиб, миллий давлатчилигимиз ривожини, демократия, ижтимоий адолат ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қондаларига асосланган инсонпарвар давлат барпо этишнинг мустаҳкам йўлини белгилаб берди. Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ҳаминдан надиған фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Бугун жамиятимиз қандай ютуқларни қўлга киритаётган бўлса, қандай марраларга эришаётган бўлса, буларнинг замирида халқимизнинг руҳияти, маънавияти ва орзу-интилишларига ҳаминдан тарзда яратилган Конституциямиз тургани ҳеч биримизга сир эмас.

Ҳақиқатан ҳам ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – эл-юрт тинчлиги, ватанмиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасида эришган улкан муваффақиятларимиз пойдеворидан Конституциямизда ифодаланган ҳуқуқий нормалар мужассамлигини бугун барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Конституциямиз инсон ҳуқуқларининг демократик ҳартияси бўлиб, инсонпарвар ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг стратегик дастури вази-фасини ўтаб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз – давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий замини, халқимиз хоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида майдонга чиқди. У энг ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибасини ҳамда тарихда синналган умуминсоний кадриятларни ўзида мужассам этган.

Бу эса айнан халқимиз асрлар оша ардоқлаб келаётган энг эзгу фазилатлар – тинчлик, тотувлик, қаттага ҳурмат, кичикка иззат, жамоанинг фикрига бўйсунуш, оила муқаддаслиги, ота-оналарнинг фарзанди, ўз навабатида фарзандларнинг ота-она олдидаги мажбуриятлари, бу борада жамият ва давлатнинг масъуллиги, маҳалла ва бошқа кўплаб кадриятларимизнинг ҳуқуқий ифодасидир.

Таъкидлаш жоизки, Асосий қонунимиз мудофаа органлари тизимининг ҳам янгидан шаклланишига, самарали фаолият кўрсатишига оид давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати кўламини белгилаб, халқимиз манфаатлари, юрти-



миз фаровонлиги ҳамда хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги макомини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берди.

Ўзбекистон Республикасини мудофаа қилиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш Конституция, қонунлар ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принциплари асосида амалга оширилмоқда. Жумладан, Асосий қонунимизда миллий армиямизга, Қуролли қучларимизга бағишланган алоҳида ҳуқуқий нормалар мавжуд. Зеро, армиямиз юртимизнинг хавфсизлиги ва худудий яхлитлигининг ишончли кафолати ҳисобланади.

Конституциямиз олий норматив-ҳуқуқий манба сифатида миллий манфаатларни ва фундаментал принципларни, нормаларни ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий масалаларига тааллуқли мафқуравий йўл-йўриқларни белгилаб беради. Конституция ҳарбий хизмат тизимини, мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган органлар тизимини мустаҳкамлайди.

Бугун Асосий қонунимиз ва унинг асосида яратилган ҳарбий соҳага доир қонун ҳужжатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, худудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёт кечириши ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бирга халқимиз хавфсизлигини ва давлатимиз мудофасини таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, Конституциямизнинг XXVI боби «Мудофаа ва хавфсизлик» деб номланиб, 125-моддада Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва худудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши белгиланган.

Конституциянинг 126-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли қучларига эғалиги кўрсатилган.

Шу асосда Қуролли қучларимиз фақат мудофаа мақсадида ташкил қилиниб, уруш ва қуролли можароларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари, суверенитети, худудий яхлитлиги, аҳолининг хавфсизлиги ва тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ҳамда қисмларни, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади.

2018 йил 9 январдаги қонун билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, бошқа вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари таркибига кирди.

Эътироф этиш керак, Конституциямизнинг бекиёс ўрни армиямизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва уларнинг самарасида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ўз навабатида, ҳарбийларимиз ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси ҳам таъминланиб, бу борадаги ҳуқуқ ва имтиёзлар қатор қонун ҳужжатлари билан кафолатлаб қўйилган.

Бундан ташқари, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбийлар байрамларда ёдга олинади, уларнинг оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Бу эса Конституциямизда таъкидланганидек, инсонийликнинг олий кадрият даражасига кўтарилганидир, мамлакатимиз, халқимизнинг ўз фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигидан далолатдир. Қолаверса, ватан ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатган ҳарбийларимизнинг оила аъзолари ҳам доимо давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланади.

Армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиққишига асос бўладиган, жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – албатта Қуролли қучларимиз сафлари-

да хизмат қилаётган инсонлардир. Шу маънода, сўнгги тўрт йил ичида ҳарбий соҳада кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилди ва бу борада қонун ҳужжатлари қабул қилинди, борлари такомиллаштирилди. Уларнинг аксарияти армия сафларида хизмат қилаётган, юрт ҳимоясини ўзига бурч ва касб деб билган ҳарбийларимизни янада кўпроқ ижтимоий ҳимоялашга қаратилган.

Ҳозирги дунёда турли гоъвий, ахборот хуружлари авж олаётгани ёш авлод қалбига ватанпарварлик, бурчга садокат, миллий гурур туйғуларини чуқур сингдиришни талаб этади. Бунда мамлакатимиз тараққиёт йўлининг ҳуқуқий асоси бўлган Асосий қонунимизни, унинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, ёшлар тафаккурига сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ёшлар нафақат конституциявий ҳуқуқларини, балки бурч ва масъулиятини ҳам чуқур англаши лозим.

Шу ўринда айтиш лозимки, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга биноан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади.

Бу борада Ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳам тегишли вазирлик ва кўмондонликлар билан ҳамкорликда Конституциямиз қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий қисмлар ва муассасаларда маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Шунингдек, конституциявий билимларни янада ошириш мақсадида «Конституция билимдонлари», «Биз конституцияни биламиз» каби шиорлар остида викториналар ташкил этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатчилигимиз шаклланиши ва ривожланишида, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Конституциямизнинг ўрни бекиёс. Унинг меъёрларини ва у асосида қабул қилинган қонунларни ҳаётимизга самарали татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшиш эса ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

# КОНСТИТУЦИЯДА ПРОКУРАТУРАНИНГ МАҚОМИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимияти тизимлари: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти қаторида прокуратуранинг ҳам конституциявий мақоми белгилаб берилган (Конституциянинг XXIV боби 118 – 121-моддалари).

Унга кўра «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади». Прокуратуранинг ушбу конституциявий мақомида давлат органи сифатида унинг олдига қўйилган барча вазифалар мужассамлашган.

Хукукий демократик давлатнинг энг асосий талабларидан бири қонуннинг устуворлиги, унга итоат этиши ва уни хурмат қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, норматив-хукукий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлашда давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоалар, мансабдорларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритиши муҳим аҳамиятга эга. Прокуратура айнан шу қонда ва талабларнинг бажарилишини, яъни мамлакатда қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилади. Прокуратура органларининг фаолияти мамлакат ҳудудида қонуннинг устувор бўлишини, қонунийликни таъминлашни ва унинг барқарор бўлишини, фуқароларнинг Конституция (21 – 46-моддалар) билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Прокуратура қонун устуворлигини таъминлашда Конституциянинг 18-моддасида белгиланган «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдига тенгдирлар» деган қондага амал қилади.

Прокуратура органлари жамиятда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш экан, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини аниқлаш ва бартараф этишни назарда тутлади.

Ўзбекистонда прокуратура ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органи, жамоат бирлашмаси ҳамда мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширувчи давлат органидир. Прокуратурага бундай конституциявий мақомнинг берилиши прокуратура органлари самарали фаолият юритишининг ва улар мустақиллигининг муҳим омилли ҳисобланади.

Прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида кўриниши ва прокуратуранинг асосий функцияси. Айнан ана шу функция унинг давлат органи сифатидаги ўзига хос мақоми, ижтимоий-

сиёсий аҳамиятини белгилайди. Давлат қонун устуворлиги, қонунийликнинг мустақамлигини айнан прокурор назорати орқали таъминлайди.

Прокуратура органлари фаолиятига аралашини қонун таъкидлайди. Айнан ана шу мустақилликда прокурор назоратининг ўзига хос хусусияти намоён бўлади. Унинг ўзига хослиги шундаки, прокурор фаолияти на қонун чиқарувчи, на ижро этувчи ва на суд ҳокимиятига дахлдор, унинг ҳукукий моҳиятида ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғига хос аломатлар бор. Прокуратура ўз вазифалари нуктан назаридан ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи билан боғлиқ бўлса-да, лекин уларнинг бирортасига ҳам кирмайди.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонун ҳозирги кунда ҳам прокуратура органлари олдига қўйилган вазифалар, жамиятнинг тараққиёти, бошқарув тизимининг демократлашуви, эркинлашуви билан боғлиқ тарзда такомиллашиб бормоқда. Прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида миллий қонунчиликка прокуратура органлари фаолиятининг ҳукукий асосларини такомиллаштириш, унинг ваколат-

## Прокуратуранинг конституциявий мақомида унинг олдига қўйилган барча вазифалар мужассамлашган.

ларини кучайтиришга қаратилган бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юкланди.

Янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонун прокуратура органларининг демократик асосларини мустақамлаб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олдига ҳисобдорлигини, прокуратура органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатди. Шунингдек, охириги йиллардаги муҳим янгилликлардан бири Сенатда прокуратура органлари фаолиятини назорат қилувчи махсус комиссиянинг тузилиши бўлди.

Шунингдек, вилоят прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорлар ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи кенесига, халқ депутатлари кенгашига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиши, зарур бўлганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилиши ҳақидаги қонда киритилди. Прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишга ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиши, ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жиҳмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш йўли билан ўз фаолиятини ошқора амалга ошириши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўзининг ваколатлари доирасида чет давлатларнинг прокуратура ва ваколатли органлари ҳамда ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўяди. Бош прокуратура уюшган жиноятчиликка, иқтисодиёт, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда чет давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Прокуратура органлари фаолиятига оид қонунчиликка киритилган ўзгаришларнинг таҳлили шундан далолат бера-

дики, бу ўзгаришлар биринчи навбатда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашга йўналтирилган.

Конституцияда адолат, маънавият, ҳақиқат ва одиллик каби умуминсоний ғоялар ўз аксини топган бўлиб, бу уни улуғлаш, олий юридик куч деб тан олишга ундайди. Прокуратура ходимлари ватан равнақи, юрт фаровонлиги ва фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш йўлида бор билим ва салоҳиятини, куч ва имкониятини тўлиқ сафарбар қилишлари зарур. Жамиятда қонун устуворлиги ҳамда адолатни таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани фидойилик билан бажаришлари шарт.

Прокуратура органларининг ҳар бир ходими буни чуқур ҳис қилган ҳолда, мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, олижаноб халқимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси, адолат ва қонунийлик посбони бўлиб қолади ҳамда фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қилади.

**Бахтиёр ПўЛАТОВ,**  
Бош прокуратура академиyasi  
профессори, ю.ф.д.

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ МУҲИМ

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни қўллаш, касалликка чалинганларни бепул даволаш чоралари кўрилатгани натижасида мудҳиш оқибатларнинг олди олинмоқда.

Халқимиз вазиятни тўғри англаган ҳолда карантин қондасига риоя қилмоқда, атрофдагиларга саховат кўрсатмоқда.

Аммо беш бармоқ тенг эмас. Қарантин талабларини менсимайётганлар, ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашаётганлар, вазиятга фойдаланиб чўнтагини қаппайтиришга уринаётганлар ҳам учраб турибди. Буни асло оқлаб бўлмади.

Давлат органларидан коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, унинг салбий таъсирини қамайтириш борасидаги курашнинг олдинги сафарида бўлиш талаб қилинади. Вазиятни тўла англаган ҳолда Хива шаҳри иккинчи секторда аҳолини озик-овқат ва гигиеник маҳсулотлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда иккинчи секторга урта маҳалла бириктирилган бўлиб, улардаги 3651 та хонадонда 6081 та оила истикомат қилмоқда. Ушбу оилаларнинг шароити мунтазам таҳлил қилиб боришмоқда.

Шунингдек, ҳудуддаги чойхона, кафе, ресторан ва тўйхоналар эгалари фаолиятида карантин қондасига қатъий риоя қилиш юзасидан огоҳлантирилди.

ИЖКК департаментининг Хива шаҳар бўлими, ДСИ ходимлари билан ҳамкорликда савдо шохобчалари, дорихоналардаги нархларнинг барқарорлиги назорат қилинмоқда. Маҳаллаларда турғун ва кўчма савдо шохобчалари ташкил этилиб, ўттиз турдан ортик маҳсулот сотилиши таъминланаяпти.

Иккинчи сектордаги томорқалардан самарали фойдаланиш масаласи ҳам назоратимизда. 172,09 гектар томорқада картошка, сабзи, пиёз ва бошқа маҳсулотлар етиштирилди. Ерини ўз ҳолига ташлаб қўйган фуқаролар огоҳлантирилди. Маҳалла фаоллари ва ҳомийлар кўмағида бўш ерларга ҳам экин экилиши натижасида ҳудудда қиш учун етарли захира жамғарилди.

Қишни беталофат ўтказиш учун табиий газ этиб борманган ҳудудлар газлаштирилди.


Ҳудудда жиноятчиликнинг, оилавий можароларнинг олдини олиш чоралари ҳам кўрилмоқда. Аҳолининг иқтисодий шароитини яхшилаш учун бандлик масаласи ҳал қилинмаяпти. Тадбиркорликни йўлга қўйиш истагидаги ҳамшаҳарларимизга кўмаклашилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Хивада қонун устуворлигини таъминлаш, халқимизни рози қилишга қаратилган қўллаб қўллаб чора-тадбирлар узулксиз амалга ошириб келинмоқда. Мақсадимиз ҳар бир фуқаро давлат ва қонун ҳимоясида эканлигини ҳис қилишига эришишидир.

**Мирзабек ВАПАЕВ,**  
Хива шаҳар прокурори

**Ҳукумат қарори билан раҳбарларга ҳафтада камида бир марта ишга хизмат автомобилсиз келиб-кейтиши тавсия этилди.**

# ИМКОНИАТИ ЧЕГАРА БИЛМАСЛАР



## Бир жуфт этик

Вуйчич орзу кучига ва мўжизага қаттиқ ишонади. Хатто йўқ оёқлари учун яхши ниятда шкафида бир жуфт пойабзал сақлайди. «Ахир ҳаммаси орзудан бошланади! Тўғри, ҳамма орзу ҳам амалга ошавермайди. Аммо мен ўз максдаларига эришган кўлаб одамларни кўрдим... Шунинг учун орзу қилишдан тўхтаманг», – дейди Ник.

Кучи ирода, жасорат соҳиблари, «имконияти чекланган» деган тасаввурни ёриб чиқолган кишилар юртимизда ҳам оз эмас. Хоразм вилояти Хонка тумани Мадир қишлоғида туғилган Нилуфар Ахмедова – шулардан бири. Парасузиш бўйича Ўзбекистоннинг уч карра чемпиони, «Ўзбегим аёли» миллий муҳофоти совриндори, аини пайтда УрДУда психология йўналишида давлат гранти асосида таълим олаётган 22 ёшли бу кизнинг кўриниши сизу бизникдан фаркли. Унинг кўллари ўрнига Яратган жуда катта иштиёқ ато этганки, тўрт мучаси соғлар эшломмаган ишларни шу киз улдалайди, кўркмасдан юксак доволарни кўзлайди.

– Шу даражага эриша олдим, демак, янада улкан натижаларни кўлга кирита оламан. Демак, менинг имкониятим чегара билмайди!

Бу шунчаки баландпарвозлик эмас, инсон иродасининг тантанаси. Тўғри, кўтаринки рухият Нилуфарда тугма эмас. Кичкиналигидаёқ атрофдагилардан ажралиб туриши, айримларнинг унга бошқача нигоҳ билан қарашидан озорланар, ҳатто мактабга ҳам бормай уйда таълим олганди. Яхши инсонлар тугфайли Ўзбекистон параолимпия ассоциацияси ҳақида эшитди. Устози Шарофиддин Қаландаров болалигидан сўздан кўрккан, тугшиб кетсам, қайтиб чиқолмасам керак деган ўйдаги кизни сузиш-

га, сувда мувозанатни ушлашга, сузиш оркали муваффақият завқини хис қилишга ўргатди, чиниктирди. Ўшандан бери Нилуфарнинг ҳаётида ҳар куни бир янгилик, бир ғалаба, кунора бир хушхабар.

## Қалб мажруҳ бўлмасин

Нилуфарни уйдан топиш амри маҳол, у тиниб-тинчимайди. Гоҳ воҳа бўйлаб ёшлар билан учрашувга ошиқиб, тенгдошларини ватан тараққиётига хисса қўлишга чорласа, гоҳ вилоятдаги Инклюзив таълим маркази томон шошади. Бу ерда у имконияти чекланган юртдошларига сабоқ бериб, уларни иродали бўлишга ундайди. Кизнинг фикрича, ҳаёт фақат ғалабалардан иборат эмас. Мағлубият аламини ҳам хис қилиб кўриш керак. Мағлубият канча аччиқ бўлса, ғалабага интилиш шунча кучаяди.

– Ўзим қатори инсонларни ғалабага руҳлантириш менга завқ бағишлайди, – дейди **Нилуфар Ахмедова**. – Рух соғлом, қалб покиза экан, инсондаги имкониятлар чегарасиз. Жисмоний имконият чекланганини инобатга олмаслик керак. Мухими, қалб мажруҳ бўлмасин.

Президентимиз давлат бошқарувида келган кунлардан бошлаб ногиронларга ҳам муносабат ўзгарди. Узок йиллардан бери бир бор ҳолинг не деб сўралмаган бундай юртдошларимизнинг ижтимоий ҳимояси тобора кучайтирилмоқда. Нилуфар Ахмедованин Урганч шаҳридан уй билан таъминланиши ҳам ана шу сиёсатнинг самарасидир.

Баязда тугшунликка тугшиб, ҳаётдан совуб кетганлар ҳақида эшитиб қоламиз. Муаммолар гирдобда қолиб, жонига касд қиладиганлар ҳам топилади.

– Мақсадга эришиш кийин бўлаётми? Унда мақсаддан воз кечишга шонилманг, шунчаки унга борадиган йўлни ўзгарти-

Австралиялик мотивацион маърузачи, филантроп, ёзувчи ва қўшиқчи Ник Вуйчич ҳақида эшитмаган, билмаган одам кам. Кўлсиз, оёқсиз, фақат танадан иборат (бизнинг назаримизда имкониятлари ўта чекланган) Ник аслида инсон мутлақо чегарасиз имкониятга эгаллигини ўз ҳаётида тўла исботлаган. Бу йигитнинг ҳолига тушишдан Худо сақласин, аммо унинг юзидан кулги аримайди. Шу қадар ҳаётсеварки, дунёдан кўнгли совуган – тўрт мучаси соғ миллионлаб кишилар ундан таскин топишади.

ринг! – дейди Нилуфар ҳаётдан нолийдиганларга қарата. – Ахир бу ҳаётда борлигиниз, инсон бўлиб тугилишнинг ўзи ҳам катта бахт.

Онаси, жигарларининг қўлаши, қоларверса, давлатимизнинг ғамқўрлиги Нилуфарнинг орзуларига қанот бағишлайди. Университетни тугатгач, психологик марказ очини мўлжаллаб турибди.

– Кўлимдан келганча хайрли ишларни қилсам, рухий мураккабликларга дуч келганларнинг муаммоларини хал этишга ёрдэмлашсам дейман. Яна бир мақсадим бор – бу ҳаётда яхши ном қолдириш.

## Қаламни кўлсиз ушлаб...

Фаргона тумани Чимён қишлоғида яшаётган Шухратжон Ўрибоевнинг нафақат икки кўли, оёқлари ҳам йўқ. Аммо тирсақлари ёрдамида маҳорат билан расм чиза олади. У суратларни шунчаки чизмайди, ҳар бирида шакл ва мазмунни уйғунлаштиради. Яхши кишиларнинг меҳрини хис қилиб улғайган Шухратжонда тушқунликдан асар ҳам йўқ. Ҳаётга хамиша умид билан боқади, изланади. У чизган бетақдор суратларни меҳрининг ифодаси дегингиз келлади.



## Бир умрлик юк бўлиб қолмади

Фарзанди дунёга келган кунидан бошлаб Шарофат аяга осон бўлгани йўқ. Илк бор нуридий-дасининг тирсақларини букиб, қалам тутказди, санашни, ёзишни ўргатди. Бутун борлик, табиатни севишга, олижаноб феъл-атворга ундади. Бундай тарбия гўзал натижаларни тугфа этди – шунчаки хавасдан бошланган ҳаракатлар ривожлана борди. Тирсақкача йўқ бўлган иккала кўл ҳам, ажабки, қалам ушлашга мойил экан. Болакай ана шундай ҳолатда

портрет, пейзаж, натюрмортлар ишлай бошлади.

Шухратжон онаси учун бир умрлик юк бўлиб қолмади. Улғайгач, аравачани ҳам ўзига эп кўрмади. Фанларни яхши ўзлаштириб, Фаргона давлат университетига тахсил олди. Аини кунда Чимён қишлоғидаги ўзи ўқиган 15-мактабда ёшларга сабоқ бермоқда. Тенгдошлари кўчадан бери келмай юрган кезлар ҳам у ўз устида ишлашдан эринмасди. 1999 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ногиронларининг расмлар фестивалида биринчи ўринни эгаллагани шу интилишлари самараси. Бу ғалаба унга яна бир рағбат – Жанубий Кореядаги клиникалардан бирига йўланмани тугфа этди. У ердан протез оёқ билан қайтди.

Буюк алломалар, давлат арбоблари, кишлок одамларининг портретлари, Фаргонанин тоғлари, боғлари, кишлок кўчалари, халқ урф-одатлари акси... Шу кунгача Шухратжон расмлик санъатининг турли жанрларида саксондан ортиқ сурат чизди. 2018 йилда унинг асарлари пойтахтда ташкил этилган кўргазмадан жой олди, унинг ўзи эса республика миқёсидаги кўрик-танловда «Энг яхши расом» номинацияси голиби бўлди. Дарвоқе, хаваскор

ишлар сони 670 минг нафардан ортиқ. Сўнги йилларда уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий муҳофазаси кучайтирилди, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан тенг ва самарали иштирок этишлари учун шароит яратишга эътибор ортиди.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоялашнинг барқарор тизимини яратиш ишлари ҳам изчил давом этаятир. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тугдан такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида»ги фармони бу ишларда муҳим ҳуқуқий асосдир.

Ўзбекистонда кўзи оқиз, занф эшитадиган болалар алоҳида мактабларда ўқитилади. Халқ таълими вазирлиги маълумотига кўра, мамлакатда жисмоний ва аклий ривожланишида нуқсонли бор болалар учун ихтисослашган 86 та мактаб ва мактаб-интернат мавजूд. Уларда 2136 нафар ўқувчи таълим олади. Инклюзив таълимни ривожлантиришда илғор халқаро тажрибаларнинг амалиётга таъбиқ этилаётгани, махсус дарсликлар, компьютер дастурлари яратилаётгани ҳам бундай ўқувчиларнинг муносиб таълим олиши ва ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади.

2020 йилнинг 15 октябрида қабул қилинган «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун эса том маънода миллий қонунчиликнинг ютуғи бўлди. Зеро, мазкур ҳужжатда ногиронлик илк бор ижтимоий ҳимоя ёки тиббиёт муаммоси эмас, балки биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари муаммоси сифатида таърифланди. Миллий қонунчилигимизга илгари учрамаган «ногиронлик белгисига кўра қамситиш» тугшунчасининг киритилгани ҳам қонуннинг асосий янгиликларидандир.

2021 йилнинг 17 январидан кучга қирадиган мазкур қонунда аксини топган қатор имтиёз ва янгиликлар ногирон юртдошларимизнинг муаммоларига ечим топиб, ҳаётда тўлақонли яшашлари, ўзларини тенг ҳуқуқли хис қилишлари учун мустахкам ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**  
«Нидо»

# ЭЪЗОЗДАГИ БЕГУБОР ДУНЁ

Мамлакатимизда барча болалар, айниқса, ногирон ёки шароит тақозосига кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг тўлақонли ва бахтли болалигини таъминлаш борасида ҳукуватимиз ҳамisha ғамхўрлик қилиб келмоқда. Чунки болажонлик – азал-азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу қадрият.



**З**еро, бола кулгуси янраган ҳар бир шовён жаннатмонанд гўшадир. Боланинг бегубор ва ишонувчан нигоҳларини ҳис қилганимда, уларнинг қувноқ ва шодон кулгусини эшитганимда кўнглимдаги ғубор тарқаб кетади, руҳан энгил тортасан киши. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти 15 октябрь куни тасдиқлаган «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этди.

Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар интернат уйида тарбияланаётган 296 бола ҳам мазкур қонун асосида давлатимиз томонидан ҳимояга олинган. Интернат 1976 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар яшайди ва тарбияланади.

«Мурувват» интернат уйи 2018 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «ERIELL» ва «Enter Engineering PTE.Ltd.» компаниялари ҳомийлигида реконструкция қилиниб, зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ерда тарбияланувчилар учун барча шароитлар яратилган. Замонавий, кенг, шинам ётоқхоналар, овқатланиш хоналари, ўқув хоналари, ўйинхоналар, физиотерапия хонаси, сенсор хонаси, кутубхона, ёзи-қизи ошона, хўжалик блоклари қурилди, ҳовлиси ободонлаштирилди. Ҳар хил дарахт ва гул кўчатлари экилди. Катта майдонда бог ташкил этилди. Айвончалар, ўйин майдончалари барпо этилди.

«Мурувват» уйи дарвозасидан киришнгиз билан шундай бежиримлик, шундай чиройга дуч келасизки, қўриб кўзингиз қувнади. Ичкарига қиравергач теп-текис, ялтираган паркет полга қадам қўйишга ийманасиз. Ётоқхона жамланмаси – ди-

мослашиши ва жамоавий ҳамкорлик кўникмаларининг мавжудлиги, шунингдек ақлий имкониятларининг таълим талабларига мутаносиблиги билан изоҳланади. – «Мурувват» уйида тарбияланадиган болалардан 12 нафари Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги махсус тиббий-педагогик-психологик комиссия томонидан таълим олишга лаёқатли эканлиги аниқланиб, айна пайтда 33-имконияти чекланган болалар махсус мактабининг 10 нафар ўқитувчиси уларга таълим бермоқда. Болаларнинг психофизиологик ривожланишидаги хусусиятлар ўрганилиб, шу асосда улар учун дифференциал ёки интеграциялашган, инклюзив таълим ташкил этилди, уларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий мослашувига ёрдам берилди.



ван, шкаф, тумбочка ва бошқа жиҳозларни ушлаб кўргингиз келади. Лекин истиҳола қиласиз. Хоналар шунчалик чиройли, шинам ва ёруқки... Буюмларнинг оҳори тўқилмасин, деб қанчалик авайласангиз, худди ўшандай асрагингиз келади. Мен бу ердаги имконият, шарт-шароит, замонавийликни беш юлдузли меҳмонхоналарга менгаб, агар бир кеча кўноқ бўлсангиз, фалон пулга чақшини хаёлимдан ўтказдим.

Инсонпарварликни қарангки, юртимизда жаҳон андозалари асосида жиҳозланган бино «Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар интернат уйи тарбияланувчиларига армуғон этилган. Бир сўз билан айтганда, бу бизда меҳр пулга чақилмаслигининг яна бир кафолатидир.

**«Мурувват» уйи директори Рўзikuл ХОДЖАЕВга учрашиб, муассасадаги болалар билан олиб борилётган тарбиявий, психологик ва бошқа турли тадбирлар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.**

– «Мурувват» уйида тарбияланаётган болаларнинг психологик тайёргарлиги илк ўқув мотивларининг шаклланиши, боланинг билиш-психик жараёнларининг етарли даражада ривожлангани, янги муҳитга

Болаларимиз орасида иқтидорлилари ҳам кўп. Масалан, Ирода Усановада шеърят, Жамшид Пардаев, Саъдулла Матякубовада жисмоний тарбия, Анабиби Матякубовада мусиқа йўналишида қобилият кучлилиги аниқланди. Уларнинг иқтидорини ривожлантиришга ҳаракат қилаёғимиз.

Болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, мантиқий фикрлашни ошириш мақсадида улар билан Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғига, Қашқадарё кўприғига, «Соҳил» сайилгоҳига, вилоят мусиқали драма театрига ва шаҳримизнинг бошқа диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштираяғимиз.

Тарбияланувчиларимизда ўзлигини англаш, хотира, диққат, тасавурни мустақамлаш, предметларни масофага жойлаштириш малакаси мунтазам шакллантириб борилади. Қўл меҳнати ва конструкциялар билан ишлаш ногирон болаларнинг ақлий салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Болалар билан ўқув-тарбиявий ишларни олиб боришда уларнинг психикаси ва жисмоний ривожланишига алоҳида аҳамият берилади.

Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мусиқа, меҳнат, ошпазлик, каштачилик, тўқув, рассомлик сингари қатор йўналишларда тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, бу ерда иппотерапия (от спорти орқали муолажа ҳам) ташкил этилган.

Тарбиячиларимиз ҳар йили ногирон болалар билан ишлаш бўйича малака оширишмоқда. Бундан ташқари, «Мурувват» уйида васийликка олинган болаларнинг камситилишига йўл қўймастик, васийликка олинганлар, жумладан, муассасага юборилган ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг шахсий ҳужжатлари билан ишлаш мақсадида ижтимоий ходим фаолият кўрсатади. «Мурувват» уйига келган болаларни қабул қилиш, ташхис қўйиш, руҳий-жисмоний ривожланиши омилларини шакллантириш, ўзаро ҳамкорлик тамойилини амалга ошириш мақсадида тарбияланувчилар оилаларига ва тарбиячиларга психологик ҳамда педагогик кўмак кўрсатиш, таълим-тарбия жараёнига комплекс ёндашушни таъминлаш мақсадида психолог иш олиб боради. Нутқидан нуқсонли бўлган болалар билан логопед ишлайди. Сенсор хонаси тарбиячиси эса болаларнинг кайфиятини кўтариш, сезги органларини ривожлантириш ишларини бажаради. Бунда мушакларни бўшатириб, ҳиссий эъриқини камайитириш, туйғуларини кўрсата олиш, арт-терапия, хусусан, мусиқа, ўйин, эртак терапияларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Ҳа, интернат директори таъкидлаганидек, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун «Мурувват» интернат уйида яшайётган ва тарбияланаётган болаларнинг ҳуқуқларини муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қонуннинг 8-моддасида белгилаб қўйилганидек, ногирон болалар бошқа болалар билан тенг равишда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ фойдаланади. Ногирон болаларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш, таълимга, фанга, техникага, санъат ва спортга жалб этиш орқали ижтимоий фаоллигини ошириш интернат уйи тарбиячиларининг устувор вазифасидир. Мен у ерда бўлганимда, шунини ҳис этдимки, «Мурувват» уйи тарбияланувчиларининг ҳаётига ҳеч ким бефарқ эмас. Балки уларнинг ҳар бир кунига зеб бериш, мазмун бағишлаш учун муассасанинг ҳар бир ходими қўлидан келганича нимадир иш қилишга интилишини сездим, қарорнинг ҳар бир банди тўла бажарилаётганига гувоҳ бўлдим.

**Норбўта ҒОЗИЕВ,**  
«Нутқ»

## УЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**М**амлакатимизда имконияти чекланганлар учун кенг имкониятлар яратилган. Ногирон фарзандлари бор оилаларга ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг таълим олишига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Беруний тумани халқ таълими бўлимига қарашли 72 та мактабда уйида таълим олувчи имконияти чекланган ўқувчилар сони 116 нафар бўлиб, уларнинг ҳолидан доимий равишда хабар олиб турилади.

Туман прокуратураси ҳам бу хайрли ишлардан четда эмас. Жумладан, эҳти-

ёжманд оилаларнинг фарзанди бўлган 5 болага ногиронлик арачаси, 3 нафарига киши кийим, 10 нафарига дори-дармон, 5 нафарига ўқув қуроллари ва китоблар, 8 нафарига озиқ-овқат етказиб берилиб, ҳолидан хабар олинди.

Болажонлар ва уларнинг ота-оналари кўзида қувонч кўриш биз учун энг катта бахтдир.

**Расул ХАЛМУРАТОВ,**  
Беруний тумани прокурори



Ҳар йили 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунини дунё миқёсида кенг нишонланади. Аслида имконияти чекланган инсонларнинг ҳолидан доимий равишда хабар олиб туриш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Кичкинагина ғамхўрлик ҳам уларнинг кўнглини тоғдек кўтаради.



## FAOLIYATIDAN

1964 йилда Норин туманида туғилган Мамат Ҳошимов (исм-фамилиялар нафс нағмасига учиб, беш марта қамалиб чиқди. Шунда ҳам «кўзи очилмади». Фирибгарлиги учун олтинчи бор ҳам судланди. Яна денг, хавфли рецидивист сифатида!

У қўшниси Бакир Раҳматов кўпдан буён тadbиркорлик билан шуғулланиш учун ер олиш ниятида юрганини яхши биларди. Бундан фойдаланиб қолиш ниятида у қилди, бу қилди, худлас, қўшнисининг ишончига кирди.

– Вилоят ҳокимлигида танишим бор. Хоҳласанг, у билан гаплашиб, ер олиб бераман, – деди хотиржам қиёфада.

Бакир аввалига иккиланди. Чунки қўшнисининг айёрлигини сезиб юрарди. Мамат эса унинг кўнглидагини сезгандек аврашга тушди:

– Биласан, ҳозир дўстдан душман кўп. Ҳар доим бировларнинг ҳожатини чиқариб юрганимни кўролмаганлар бир-икки панд бергани туфайли «уёқлар»га бориб келдим. Насиб экан-да... Аммо айтиб кўяй, ҳозир ҳам ҳамма ёқда таниш-билишларим кўп, гапим ерда қолмайди. Айниқса, вилоят ҳокимлигидаги танишимнинг менга ишончи баланд. Ҳеч панд бермаганман-да...

Бу гапдан кейин Бакир ҳам жонланди қолди.

– Ака, тadbиркорликка қизиқаман, хабарингиз бор. Бўш ер бўлса боғ қилсам дегандим. Шу масала бироз қийин бўляпти...

# БЕШ МАРТА ҚАМАЛИБ ҲАМ ҲУНГЛАНМАДИ...

– Бунақа ишлар ўзича битмайди-да, укам... – қулди Мамат. – Кейин... ҳозир бўш ер қоптими?! Ҳаммасининг эгаси бор. Пулинг бўлса, бошқанинг ери сеники, тамом-вассалом! Айтдим-ку, қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Сен пулинг ҳаракатини қилиб кўявер, тезда ишингни ҳал қилиб бераман! Ҳокимнинг қарорини чиқариб берсам, масала ҳал!

Бакир қўшнисига ишонинини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай хайрлашди. Шу билан бу сўхтаб унинг ёдидан қўтарилаётгани. Икки-уч ҳафтадан сўнг Маматнинг ўзи кўнгирик қилиб қолди:

– Бакир, тўрт сотихдан тўртта алоҳида ер бор экан, бўлмайди-ми?!

– Менга бир гектар керак, ака... – деди Бакир. – Айтдим-ку, боғ қилмоқчиман.

– Бўлди, тамом! Вилоят ҳокимлигидаги танишим билан гаплашиб, туман ҳокимлиги

минини эса қарор қўлингга текканидан кейин берасан, бўладими?!

Бакир рози бўлди. Бирок негадир кўнгли гаш эди. Чунки Мамат бот-бот пулни тезроқ олиб келишини тайинларди. Бу ерда бир ёлгон борлигини сездим, у йўлга отланди...

Бакир кўнгирик қилиб, у сўраган пулни тайёрлаб қўйганини айтгач, Маматнинг қайфияти кўтарилиб кетди:

– Ўзинг зўрсан-да, укам! Туш пайти «Сарбон»да кутаман сени. Ишимиз юришаётганини ўша ерда бир нишонлаймиз, нима дединг?!

Аммо нишонлаш насиб этмади. Бакирдан 4 минг АҚШ долларини санаб оларкан, шундоққина каршисига пайдо бўлган одамларни кўрди-ю, нима бўлаётганини англаб, шалвираганча ўтириб қолди...

Жиноят ишлари бўйича Наманган тумани судида хавфли рецидивист Мамат Ҳошимовнинг мазкур жинояти атрофлича



захирасидаги ерлардан олиб бераман, бўладими?!

Мамат эртаси куни яна кўнгирик қилди:

– Иш юришиб кетди, ука! Битта МЧЖнинг ери сотиларкан, туман ҳокимининг қарори ҳам бор. Бир гектарини гаплашиб қўйдим. Лекин 10 минг доллар деярли... 4 минг долларини олдиндан берасан. Вилоят ҳокимлигида танишим бор дедим-ку, ўшанга берамиз, ерни сенинг номинга ўтказиш учун қарор чиқариб беради. 6

ўрганилди. Унинг қилмиши ўз исботини топиб, беш йилу икки ойга озодликдан маҳрум этилди.

Беш йил ўтар-кетар... Шу вақт ичида Мамат Ҳошимов умрини чиркин ишларга сарф этганини англаб етармикан? Ахир у ёш эмас, олтишини қоралаб қолди. Жавобни эса у қайтанидан сўнг биламиз.

**Боқижон ҲАКИМОВ,**  
департаментнинг Наманган вилояти бошқармаси катта инспектори

## КИССАСИНИ ОБОДОНЛАШТИРМОҚЧИ БЎЛДИ

– Бўлди, бизнинг ишхонамизда ишламоқчимисиз? 200 доллар берсангиз, 1-тоифали ишчи лавозимига гаплашиб бераман...

ҳодимлари ҳамкорлигида Қарши шаҳрида ўтказилган тadbирда Т.А. Э.Ждан 200 АҚШ долларини қорхона ишчиси А.С. орқали олган вақтида ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Т.А.га нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Нурбек АЗИЗОВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси бўлими бошлиғи

## ИККИ ФИРИБГАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотида кўра коронавирус пандемияси даврида мамлакатимизда ишсизлар сони сезиларли даражада ошган. Шунинг учун қорхона ва ташкилотлар атрофида «ишга киритиб қўяман» деган фирибгарлар кўпайди. Иш излаб юрган одамлар эса уларнинг тузоғига осонгина илинишарпти.

Департаментнинг Сирдарё вилояти бошқармаси ходимлари фуқаро Б.Маллаевнинг мурожаатига асосан ўтказган тadbирда шу каби ҳолатга барҳам берилди. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли Ховос тумани сигнализациялаш ва алоқа масофаси қорхонаси машинисти Д.Шамсиев ўзининг танишлари орқали Б.Маллаевни темир йўл тизимига ишга киритиб қўйиш эвазига 1100 АҚШ доллари миқдорига пора талаб қилади. Б.Маллаев у ердаги ишчилардан иш бор-йўқлигини суриштирганида, ўрин йўқлиги, ҳатто кўп одамлар ишга кириш учун навбатда турганини айтишади. Шундан сўнг у департаментга ариза билан мурожаат қилади. Тadbирда Д.Шамсиев ундан кимёвий ишлов берилган 1100 долларни олган вақтида ушланган. Маълум бўлишича, аслида «ишга киритиш операцияси» бошқа кишининг режаси экан. Шундан сўнг тadbир давом этирилди.

Д.Шамсиев Б.Маллаевдан олган пулини «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг «Ўзбекистон» локомотив депоси қўриқлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Г.Адашевга олиб бориб берганда у ҳам қўлга олинди. Тергов жараёнида маълум бўлишича, бу кимсалар олдиндан тил бириктирган экан.

Мазкур ҳолат юзасидан Г.Адашев ва Д.Шамсиевга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Жиноят ишлари бўйича Ховос тумани суди томонидан уларга нисбатан жазо тайинланди.

**Қахрамон БЕГИМКУЛОВ,**  
департаментнинг Сирдарё вилояти бошқармаси катта инспектори

## «ГАЗ» ҲИНИ БОШЛАНДИ

«Чирчиқшаҳаргаз» филиали ходими Асрор Бобохонов ўз ваколатидан фойдаланиб ноқонуний даромад олиш мақсадида шаҳардаги тadbиркорларнинг бириндан пул талаб қилди.

А.Бобохоновга газ қувурлар ва тақсимлаш нукталаридан фойдаланилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган эди. У иш бўйича шаҳардаги тadbиркор У.Фахридинованинг ошхонасига борганида у ерда ўчоқлар газ тармоғига ҳужжатсиз уланганлигига гувоҳ бўлади. А.Бобохонов дарҳол жарима солишини айтиб, ошхона эгасини кўрқитади. У.Фахридинова эса унга бундай қилмаслигини, қандай хизмат бўлса тайёрлигини маълум қилади. Аслида А.Бобохонов бу борада ошхона эгасига тушунтириш бериб, мазкур ҳолат бўйича тегишли жойга хабар бериши керак эди. Лекин

келади ва ҳужжатларни тайёрлаш учун берган пули етмагани, яна 1 млн. 400 минг сўм пул бера, ишни охирига етказиб беришини айтади. Агар кўнмаса, далолатнома расмийлаштириб, жаримага тортиришини таъкидлайди. Чорасиз қолган тadbиркор мазкур ҳолат бўйича департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлимига мурожаат қилади.

Департамент ходимлари ўтказган тadbирда А.Бобохонов Тошкент вилояти перинатал шифонасининг автотураргоҳида У.Фахридиновдан 1 млн. 400 минг сўм пулни олган вақтида ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди А.Бобохоновни газ таъминоти тизимида моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, унга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 11 ой 27 кунга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Шу билан А.Бобохонов тadbиркорни тинч қўйганида унинг ўзи ҳужжатларини тўғрилаб олармиди... Аммо у бир неча ойдан сўнг яна У.Фахридинованинг ошхонасига кириб

**Марат ЮНУСОВ,**  
департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлими бошлиғи





## FAOLIYATIDAN

Бугунги кунда йўл қоидалари-га қатъий риоя қилиш муҳим вазифага айланди. Мамлакатимизда ҳатто мактабгача таълим муассасаларида ҳам хавфсизлик қоидалари ўргатилмоқда.

Аввало қондани бузмаслик лозим, бузганлар эса жари-

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

Йўл элларни элларга, мамлакатларни мамлакатларга боғловчи воситадир. Шунинг учун ҳам исломда йўллар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Йўлда ҳаракатланишга оид ўзига хос қонун-қоидалар жорий қилинган.

маларни ўз вақтида тўлашга одатланиши керак. Компьютерлаштирилган тизим орқали аниқланган қондабузарликлар учун жаримани ўз вақтида тўлаш, акс ҳолда у мажбурий ижрога қаратилади. Қарздорлар эса янги ахборот коммуникация технологияларига асосланган «Автокон» қурилмаси орқали аниқланади. Масалан, Фарғона шаҳар Низомий кўчасида яшовчи Г.Мирзажонова ўзининг «Нексия» русумли автомаши-

насида 2020 йил 1 мартдан 18 июнга қадар 18 марта қондани бузган. Қондабузарнинг манзилига жарима солиш тўғрисида 18 та қарор юборилган бўлса-да, Г. Мирзажонова бирортаси бўйича ҳам жарима тўламаган. Барча қарорлар мажбурий ижро учун бюронинг Фарғона шаҳар бўлимига тақдим этилган. Г.Мирзажоновага жами 10 млн. 700 минг сўм жаримани тўлаш учун 15 кунлик ихтиёрий муддат бе-

рилган. Шунда ҳам тўламагач, йўл-патрул хизмати ходимлари билан 21 октябрда ўтказилган тадбир жараёнида Г.Мирзажонова бошқарувдаги «Нексия 3» автомашинаси тўхтатилиб, жарима майдонига қўйилган. Буни қарангки, шу куннинг ўзидаёқ қарздор 10 млн. 700 минг сўм жаримани тўлаган.

Ҳолбуки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332<sup>1</sup>-моддасида ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги

қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жариманинг етмиш фоизини тўласа, қолган қисмини тўлашдан озод этилиши белгиланган. Г.Мирзажонова ушбу имтиёздан фойдаланганида 2 млн. 510 минг сўм пулни тежаб қолган бўлар эди.

Бундан ташқари, ижро ҳужжатини ўз вақтида бажармагани учун унга 2 млн. 230 минг сўм маъмурий жарима жазоси ҳам қўлланган.

**Бахтиёр ПАЙЗИЕВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
МИБ бўлими бошлиғи

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 64-модда.

## ФАРЗАНД ТАЪМИНОТИ УЧУН МИЛЛИОНЛАР

Бюронинг Норин тумани бўлими давлат ижрочисининг ҳаракати билан У.Эргашев икки фарзандининг таъминоти учун 62,5 млн. сўм алиментни тўлаб берди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-қарори билан тасдиқланган «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 9-бандида алиментларни беш йилдан кам бўлмаган муддат учун

олдиндан тўлаш мумкинлиги кўрсатилган. Бюронинг Норин тумани бўлими ходимлари алимент тўловчиларга шуни тушунтиришмоқда. Натижада 2020 йилнинг ўтган даврида ўндан зиёд фуқаро фарзандлари вояга етгунга қадар ҳисобланган маблағни тўлаб беришди ва ижро ҳужжатлари тамомланди.

Бундан ташқари, ўтказилаётган тарғибот тадбирлари самара бериб, ажрашган оилаларни яраштиришга эришилмоқда. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судининг қарорига асосан Дониёр Худойбердиевдан Мунираҳон Худойбердиевага ҳар ойлик даромадининг тўртдан бир қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати бўлим иш юритувига олинган ва тушунтиришлардан кейин яқинда эр-хотин ярашилди.

**Иззатилла ҲУСАНБОЕВ,**  
МИБ Норин тумани бўлими  
давлат ижрочиси

## ОИЛАЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Ҳаётда учраб турадиган оилавий низолар ота-оналарнинг ажрашиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида эса ўртадаги бегуноҳ фарзандлар ота-она меҳрисиз улғаяди.

Мажбурий ижро бюросининг Кармана тумани бўлимида 2020 йилнинг 1 октябрга қадар алимент ундируви билан боғлиқ 2296 та ижро иши бор эди.

Бугунги кунда давлат ижрочилари томонидан алимент билан боғлиқ профилактик суҳбатлар ўтказилиб, оиланинг мукаддаслиги, фарзандларнинг камолига икки тараф ҳам бирдай масъулиги тушунтирилмоқда. Натижада 128 та оила яраштирилиб, ижро ишлари тугатилди.

Бундан ташқари, шошма-шошарлик билан судга алимент ундиришни сўраб мурожаат этган ва

кейинчалик бирга яшаётган 12 та оиланинг ижро ишлари ундирувчиларга қайтарилди. Жумладан, Нурия Ўктамованинг алиментдан воз кечиш ҳақидаги аризаси 24 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судида кўриб чиқилиб, мазкур суднинг 24 июндаги буйруғи асосида Шухрат Раҳимовдан ундириб келинаётган алиментдан воз кечишни қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилди.

**Ойбек ХОЛМУРОДОВ,**  
МИБ Кармана тумани бўлими  
давлат ижрочиси

Фуқаролик ишлари бўйича Фориш тумани судининг 2019 йил 28 февралдаги ижро ҳужжати асосан Э.Кенгашевдан С.Фахриддиновага фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати юзасидан бюронинг Фориш тумани бўлими Э.Кенгашевдан С.Фахриддиновага 10 млн. 451 минг сўм пул ундириб берди. Бундан ташқари, давлат ижрочисининг маҳалла фаоллари билан бирга тушунтиришлари натижасида ушбу оила яраштирилди.

**Эҳром ШЕРҚЎЗИЕВ,**  
МИБ Фориш тумани бўлими  
давлат ижрочиси

## ҚАМАЛИШНИНГ ТУШУНГАН ОТА

Фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судининг 2014 йил 21 ноябрдаги буйруғига асосан Ш.Сафаровдан М.Абдуғаниевага фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ой топган даромадининг тўртдан бир қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган.

бундан бўйин товланган. Натижада алиментдан қарзи 5 млн. 982 минг сўмга етган. Бўлим ходимларининг ҳаракатлари ҳамда қарздор маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳақидаги огоҳлантиришлар самара бериб, Ш.Сафаров қарзини тўлиқ тўлади. Бу пул М.Абдуғаниевага тилхат асосида топширилди.

**Алишер ТОШМАТОВ,**  
МИБ Улуғнор тумани бўлими бошлиғи

Мажбурий ижро бюроси Улуғнор тумани бўлими ходимлари Ш.Сафаровни алимент тўлаши юзасидан мунтазам огоҳлантириб келган бўлса-да, у

## САККИЗ МАРТА ҚОИДАНИ БУЗГАНДИ

МИБ Когон шаҳар бўлимига ЙҲХБдан шаҳарнинг Маданият кўчасида яшовчи А.Рдан 6 млн. 244 минг сўм маъмурий жаримани ундириш бўйича қарор келиб тушган.

А.Р. ўзининг «Cobalt» русумли автомобилида 2 ой ичида 8 марта йўл ҳаракати қоидасини бузгани аниқланган. Унга давлат ижрочиси томонидан 6 млн.

244 минг сўм жаримани тўлаши учун 15 кун ихтиёрий муддат белгиланган. Бироқ у жарима тўлашдан бўйин товланган.

Оқибатда А.Рга тегишли «Cobalt»га нисбатан қидирув эълон қилинган. ЙҲХБ ходимлари билан ҳамкорликда «Cobalt» автомашинаси Когон шаҳрида тўхтатилиб, жарима майдонига қўйилган.

Автолуовсиз қолган А.Р. 6 млн. 244 минг сўмни ҳам, ижро ҳужжатини бажаришдан бўйин товлангани учун тайинланган 1 млн. 115 минг сўм жаримани ҳам тўлади.

**Нодир РАДЖАБОВ,**  
МИБ Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори

## ИЖРО ТАЪМИНЛАНДИ

Мажбурий ижро бюросининг Мирзо Улуғбек тумани бўлимига 2020 йил 20 август куни фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 10 июндаги ижро варақасига асосан А.Павлоадан Д.Павловага 40 млн. 15 минг 461 сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган.

Мазкур ижро ҳужжати бўйича ишга киририлиб, қарздорга 10 кунлик ихтиёрий муддат берилган ва бу ҳақдаги қарор нуҳаси тарафларга почта орқали жўнатирилган. Бундан ташқари, қарздорга тегишли мулкларни аниқлаш мақсадида мутасадди идораларга сўров юборилган. Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида 12 ноябрь куни А.Павлоадан қариндоши Д.Павловага 40 млн. сўмдан ортиқ маблағ тўлиқ ундирилиб, ижро иши тамомланган.


**Умирбек ЖУМАНИЁЗОВ,**  
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

Париждаги аукционда 1 декабрь куни Эйфель минорасининг бир бўлаги сотувга қўйилди. Artcurial кимошди уйининг маълум қилишича, лот 275 минг еврога сотилган.

# ҚОЗИЛИК МАҲКАМАЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Ўтган уч йилда суд-ҳуқуқ тизимини янгилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминловчи демократик давлат механизмига айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинди. Шу билан бирга, жадаллик билан ривожланиб бораётган жамиятни демократлаштириш жараёнлари, аҳолининг ҳуқуқий маданияти тизимни такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бунинг учун тизимни танқидий ўрганиш, илгор давлатларнинг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига кўпроқ эътибор қаратилапти.

Шу ўринда 1868 – 1920 йиллар ўзбек ҳуқуқшуносларининг эътиборидан анча четда қолганини таъкидлаш лозим. Бу даврда қозилик маҳкамаларида судловнинг йўлга қўйилиши, қонунийлик ва адолат тамойилларига амал қилиниши, шаръий ва ҳуқуқий атамаларнинг аниқ ва лўнда изоҳланиши, Россия империясининг ҳуқуқий тизимидан ўзлашган атамаларни аниқлаш ушбу соҳани ўрганишни тақозо қилмоқда. Бунинг учун тилшунослар, шарқшунослар, адабиётчилар, қўйингки,



ҳуқуқий тарихимиз ва маданиятимиз ривожига бефарқ қарамайдиганлар Самарқанд қозилик маҳкамаси тажрибасини тадқиқ қилишга киришмоғи зарурга ўхшайди. Масалан, давлат архивларида сақланган ҳужжатларга кўра, Самарқанд уездига Мулла Муҳаммад Мусо Қодиркул ўғли йигирма йилдан зиёд қозилик қилган.

Уша даврда қозиларни тайинлашда қуйидаги қоидага амал қилинган, яъни: «Қозида беш ҳислат бўлса, у мукамал бўлади: ўзидан олдингилар илмини ўрганиш, тамадан сақланиши, томонларга нисбатан юмшоқлик, имомларга иқтидо қилиш ва аҳли илм билан маслаҳатлашиш».

Аслида қозилик мансабига алоҳида шахслар тайинланиб, уларнинг бевосита давлат раҳбари билан боғлиқлиги қозилар обрўсининг кўтарилишига сабаб бўлган.

Ҳақиқатан ҳам Туркистонимизда қадимдан эл осойишталигини таъминлаш, фуқарога жабр қилганга нисбатан чора қўллаш ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда адолатли бўлишга алоҳида эътибор қилинган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрда Россия империяси босқини, шўролар истибдоди даврида адолат туғни ушлаб туриш қийин бўлган. Ўзбекистон давлат архиви фондида сақланган 1904 йилдаги китобдан эски ўзбек ёзувида ўқилган қуйидаги ёзувларни ўқидим:

«Қози Мулла Муҳаммад Мусо ибн Мулла Қодирқули ҳижрий 1321 йил ва милодий 1903 йил 1 январда заиф банда (камнаи камтарин) Аллоҳ таолога таваккул қилиб, Самарқанд уездига Ишим-Аксаксий народний судьясига Эшимоқсоқ волости Хўжа Исмоил қишлоғи фуқароси Норкулбой Тошмуродбой ўғли ҳозир бўлиб арз қилдиким, мазкур қишлоқ фуқароси Жабборкулбой Бўри Жебочи ўғли зиммасига олган, менинг 50 боғ беда ва 160 танга (бир саман от қийматида) қарзимни ноҳақлик қилиб бермапти.

Арз қилувчи ўз ихтиёр ва розилиги ила тубанда қўлларини қўюб, арзини хоҳиш қилди.

Қози шу арзни тасдиқлади ва муҳрларини босди.


Қарордан Нормуродбой Тошмуродбой ўғлига кўчирма берилди.

Даъвогарга 160 танга, 50 боғ беда ундирилди.

Жавобгардан 11 сўм 25 тийин қозилик ҳисобига ундирилди.

Ушбуларнинг ростлигини Эшимоқсоқ қозиси тасдиқлайман ва муҳр қўймам.

**Қарор:** 1903 йил 1 январда Самарқанд уезди Эшимоқсоқ волости народний судьяси Қози Мулла Муҳаммад Мусо Мулла Қодиркул ўғлидурман, заиф банда, мазкур ойда тасдиқ бўлган даъво тўғрисида Норкулбой Тошмуродбой ўғлининг Жабборкулбой Бўри Жебочи ўғли устидан берган аризаси икки тараф мударий ва мударий алайни



(даъвогар ва жавобгар) ўз ҳузуримга ҳозир қилиб сўраганимда, мазкур мударий мударий алайни зиммасида 50 боғ (тоза ва қуритилган) беда ва 160 танга (бир саман от қиймати) пули юзасидан шаръий ривоят қилгани сабаб мударий алайни бунга иқдор қилди.

Мударий ўзининг пулини ва бедасини жавобгардан олганига гувоҳлардан Амирбой Турсун оқсоқол ўғли ва Жўра Додхоҳ Бек-



темирбой ўғлини гувоҳлантириб, муҳримни босдим.

Юқоридаги арз сабаб номлари зикр қилинган икки тараф бўйича ҳақиқат қилдим.

Бу ишнинг сўровига қақирилганларнинг ҳаммаси келди.

Мударий алай Жабборқули Бўри Жебочи ўғли Эшимоқсоқ волости Хўжа Исмоил қишлоғи, мударий Норқули Тошмуродбой ўғли ҳукмининг нухсаларини олди.

11 сўм 35 тийин қозиликка ундирилган».

Аслида қозининг ёзма қарори ҳақиқий ҳукм кучига эга бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши:

- ҳужжатга қозининг лавозимини тасдиқловчи давлат раҳбари томонидан берилган, қозининг исми, қозилик ҳукми ўтадиган ҳудуд номи туширилган муҳр урилган бўлиши;
- ёзма қарор ёки ҳукм ҳосиласида юридик жиҳатдан асосланган далил ҳужжат, олинган манба ва шахс номи кўрсатилиши;
- қарорда кўрилган ишнинг ёки муножаатнинг қисқача мазмуни ва сабаблари кўрсатилиши;
- қарор кўзгатиш маҳкама иши бўлиб, унда албатта гувоҳларнинг исм-фамилияси ва даъвогарларнинг даъвоси қози томонидан асослаб ёзиб қўйилиши;
- қарорда ҳужжат ёки даъво кўрилган жой, сана, ой, кун кўрсатилиши шарт бўлган.

Қози маҳкама жараёнида даъво ҳужжатларига алоҳида эътибор қаратган. Агар бир киши маҳкамага даъво билан келса, ундан албатта даъвоси юзасидан ҳужжат ёки далил талаб қилинган. Жавобгарнинг иқдори ҳужжат урнига ўтган. Ушбу ҳужжатни гувоҳлар тасдиқлаши керак бўлган. Даъвогарнинг далили бўлса-да, лекин гувоҳлари бўлмаса, даъво қабул қилинмаган. Кўчмас мулкка нисбатан даъво қилинганда қози гувоҳлардан ҳовли ёки ернинг умумий майдони қанчалигини сўраган. Шундан сўнг даъво қилинаётган ерга бориб, гувоҳлар ва даъвогардан кўч-

мас мулкнинг тўрт томондан чегараларини кўрсатиб беришни талаб қилган.

Ҳар қандай қозилик маҳкамаси ҳужжатини расмийлаштиришда қозининг қарори ва ҳукми муҳим бўлиб, у муҳрланиши ва ҳошиясига ёзма қарор таянган далил ёки фатво ёзиб қўйилиши шарт бўлган. Кўп ўринларда қози таянган далили устига ўз муҳрини қўйган. Омонлик олган аҳли китоб ёки мусофирликда кўп юрадиган савдогарлар учун эркин ҳаракатланиш афлатини берган.

Масалан, қози кўраётган иш юзасидан гувоҳлик берган кимсанин ёлғончи тоифадан эканлиги аниқланса, унинг кўрсатмалари инobatга олинмаган. Шунингдек, аввал ҳад жазоси олган ёки динида ва эътиқодда мустаҳкам бўлмаган кимсалар ҳам гувоҳликка номуносиб топилган. Золим, оиласига бефарқ, кунини карвонсаройларда ўтказадиган, риёкор, судхўр, беҳуда сўзловчи, мажнун, беникоҳ туғилган, масхарабоз, ит ёки хўроз уриштирувчи кишилар ҳам гувоҳликка номуносиб тоифа ҳисобланган.

Одатда ҳаёт тарзи ва феълда мусулмонлик сифатлари кўриниб турган, гагида ёлғон ҳамда беҳуда сўзлар бўлмаган кишиларнинг гувоҳлиги қабул қилинган. Гувоҳликка ўтишдан мурад адолатни рўёбга чиқариш бўлиб, гувоҳнинг гуноҳ ишларидан хайрли ишлари кўп бўлиши шарт эди.

Қози ўз мажлисларида даъвони кўриш ва иш юзасидан ҳукм чиқариш борасида нисбатан эркин бўлган. Чунки қози асосан Қуръон, сунна, саҳобаларнинг қарашлари, олдинги қозилар чиқарган ҳукмлар ва урф асосида ҳукм чиқариши лозим ҳисобланган.

Россия Туркистонни босиб олгандан сўнг ўлкада мустамлака бошқаруви ўрнатилган. 1867 йилда қабул қилинган Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомга асосан маҳаллий қози ва бийлар судлари «Халқ судлари» номи билан тикланиб, кишилар мазкур

лавозимларга сайлов асосида тайинланган.

Қози чиқарган ҳужжатлар рус ҳарбий маъмуриятдан олинган махсус дафтарларда қайд қилинган.

Шуниси қизиқки, мазкур дафтарларда бажарилаётган суд ва нотариал ҳаракатларнинг мазмунини ифодалаш учун ҳозиргидай алоҳида устунлар ва муҳр формулярлари бўлган.

Қозилик ва нотариал ҳаракатлар асосан эски ўзбек тилида араб ёзувида расмийлаштирилган бўлиб, айрим жойларда форсий ҳам ишлатилган. Суд қарорларида мураккаб низоларнинг ҳал қилинишида фойдаланилган қози манбаларининг рўйхати қози томонидан қайд қилинган ҳам эътиборга моликдир.

Рус маъмурияти томонидан қозилар ҳар уч йилда сайланган ва иш ўзбек тилида юристилади деган тартиб мураккаб низоларнинг ҳал қилинишида фойдаланилган қози томонидан қайд қилинган ҳам эътиборга моликдир.

Қозининг қарори устидан томонлар судлар ва факултетада судлар қурултойига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Ҳаётни тушуниш учун инсонга тафаккур ва тажриба керак экан. Архив ҳужжатларига кўра Қози Мулла Муҳаммад Мусо ибн Мулла Қодирқули томонидан 39 ёшида битилган ҳуқуқий ҳужжатлар у кишининг билими, теран фикр юритадиган, малакали қози бўлганидан далolat беради.

Замонамиз жуда тез ривожланиб, ҳамма соҳага янгиликлар кириб келаяпти. Уларни ўзлаштириб олиш учун пухта билим, тинимсиз изланиш талаб этилади. Қозиларнинг ҳуқуқий меросини чўқур ўрганиш бизнинг салоҳиятимизни оширади. Бу борада юқорида баён этилган тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари бизга кўп қимматли маълумотлар беради.

**Талибжон УМАРОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбасари, ю.ф.д.  
**Н.МИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таниқ докторанти

# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Юртимизда қонунийликни мустақамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган инсон Баҳодир Султанов табаррук 60 ёшни қарши олди.



У меҳнат фаолияти давомида прокуратура органлари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг ҳудудий бўлимларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби

касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашмоқда.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида хурмат қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мурабий, меҳрибон устоз сифатида юксак кадрлайди.

Хурматли Баҳодир Эргашевич, қутлуг ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга файзу баракка тилаймиз!

**Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси жамоаси**

35 йилдан буён прокуратура идораларида самарали фаолият юритиб келаётган инсон Истам Рашидов қутлуг 60 ёшни қарши олди.



У прокуратурадаги меҳнат фаолияти давомида Самарқанд вилояти прокуратура органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий

вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурмати-га сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Хурматли Истам Багирович, қутлуг ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустақам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

**Самарқанд вилояти прокуратураси жамоаси**

JINOYAT VA JAZO

# ФИРИБГАР ҲАМКОР

Бугун фирибгарликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида тарғибот олиб борилаётганига қарамай баъзи кишилар ҳамон кимнидир алдашга уринмоқда. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрайдиган кимсалар учун ўзгаларнинг соддадиллиги даромад манбаига айланиб бормоқда.

Зокир Чориев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2018 йилнинг февраль ойида танишининг йиғинига боради. Зиёфат давомида у Тохир деган бир киши билан танишиб қолади. Шундан сўнг улар тез-тез учрашиб туришади. Шундай учрашувларнинг бирида Тохир биргаликда бизнес қилиш таклифини билдиради.

– Қайси йўналишда бизнес қиламиз, даромади яхшими? – дея қизиқади Зокир.

– Қозоғистонда ун ишлаб чиқарадиган танишларим бор. Улар орқали Ўзбекистонга ун

импорт қилмоқчиман. Бундан ташқари, бунинг учун Қозоғистондаги фирманинг Ўзбекистондаги дилери бўлмоқчиман. Аммо бу ишлар учун пулим йўқ. Агар шу бизнес учун 40 минг АҚШ доллари тиксангиз, шерикчиликда иш бошлар эдик. Даромад ҳам тенг тақсимланади, – дея аврайдди Тохир.

Мазкур таклиф Зокирни қизиқтириб қўяди. Аммо дарҳол тавakkал қилишни истамай аввалига у таниш-билишларидан Қозоғистондан Ўзбекистонга ун олиб кириш жараёнини суриштиради. Ўрганишлардан

сўнг бу бизнес маъқул келиб, у Тохирнинг таклифига рози бўлади. Зокир бўлажак ҳамкор билан бўлган учрашув чоғида унга бунча пул йўқлигини, танишларидан қарз олиб туришини, тушган даромад хисобидан қарзини тўлашини айтади. Тохир эса тезлатиш кераклигини айтиб, «агар вақтдан ютқазасак, бундай бизнес билан бошқалар ҳам шуғулланишни бошлаб юбориб, оқибатда даромадимиз ҳам камроқ бўлади» деб таъкидлайди. Бу гаплардан сўнг Зокир танишидан қарз олиб Тохирга беради.

– Махсулот бир-бир ярим ой ичида, яъни 2018 йил июнь ойи охирларида Ўзбекистонга кириб келади, – дейди пулни санаб оларкан Тохир.

Орадан кунлар ўтиб, белгиланган вақт келса-да, махсулотдан дарак бўлмайди. Бу ҳолатдан хавотирга тушган Зокир «бизнес ҳамкори» билан гаплашади. Тохир эса Қозоғистондаги завод бироз муддатга ёпилганини айтиб, уни тинчлантирган бўлди. Бирок пули ҳавога учинишни истамаган Зокир қайта-қайта уни безовта қилаверди. Фирибгар ҳам ҳар сафар турли баҳоналарни ўйлаб топаверарди.

Унинг нағмаларидан чарчаган Зокир пулни қайтаришни сўради. Тинмай кўнгироқ қилаверганидан кейин Тохир унга 2018 йил ноябрь ойида 4500 долларини қайтариб, қолган пулни қайтаришни ортга сураверарди. Шундан сўнг Зокир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

Ўзганинг пулини туя қилган кимса қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан унга энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз етмиш бир баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

**Зафарбек ТУРСУНОВ,**  
Бош прокуратура академияси ўқитувчиси  
**Темур ХАСАНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди судьяси



Индонезиянинг Бали ороли ҳукумати 2021 йил бошидан бошлаб хорижлик сайёҳларни қабул қилишни бошлайди.

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon DEKANOVA  
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85



[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)



[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  – tijorat materiali.

Buyurtma v-4441.  
14 052 nusxada bosildi.  
Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbetchi muharrir: G'ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonadan: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

# «ХОРАЗМ АГРОСЕРВИС МТР» МЧЖ

«ХОРАЗМ АГРОСЕРВИС МТР»



## ЖАМОАСИ

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ  
 ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ  
 КАФОЛАТИ БЎЛГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ  
 ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ **28** ЙИЛЛИГИ  
 БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙДИ.



## ТИЛЛА ВА ҲИЙЛА

Суднинг «қора курсиси»га бир марта ўтиришнинг ўзи инсонга бир умрлик тамға бўлади. Аммо айрим кишилар учун бу оддий ҳол эканлиги ачинарлидир. Бундайлар орасида, афсуски, аёллар ҳам кўп.



**Н**игора Нодирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тўққиз марта фирибгарлик жиноятини содир қилиб судланган. Унга жазо ҳам тайинланган. Лекин амнистия актига кўра жазодан озод қилинган. Аммо у бағрикенгликдан тўғри хулоса чиқариш ўрнига одамларни алдаб, мулкига эга чиқишда устаси фарангга айланди.

Бу аёл 2019 йилнинг 5 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги 22-оилавий поликлиникага келганида яна эски касали қўзғаб

қолди. Таниши Д.Бекжонованинг билагидаги тилла занжирга кўзи тушади. Унинг бир чети пачоқлангани фирибгарнинг эътиборини тортган эди. Н.Нодирова тақинчоқ эгасини ана шу ҳолат эвазига тузоғига илинтиради. Тилла занжирни янгисига алмаштириб беришни ваъда қилиб, бир зумда уни ишонтиради. Н.Нодированинг фирибига учган Д.Бекжонова унинг таклифига рози бўлиб, 3 млн. 500 минг сўмлик тақинчоғини бериб юборади. Фирибгар эса уни «Олой» бозори

яқинидаги тилла дўконига олиб бориб сотади ва пулини ўз эҳтиёжига сарфлайди. Д.Бекжонова тақинчоқ ҳақида сўраганида уни алдаб, «Телеграм» тармоғи орқали ҳар хил тилла буюмларнинг суратини юборади ва ўзига ёққанини танлашини сўрайди. Д.Бекжонова тақинчоқни танлаганида эса у озроқ қимматлигини ва уни олиб бериши учун яна пул ёки бошқа тақинчоқ бериши кераклигини тушунтиради. Шундан сўнг Д.Бекжонова унга 2 млн. 400 минг сўмлик тилла

занжирини ҳам беради. Н.Нодирова бу занжирни ҳам сотиб, пулини ишлатиб юборади. Аслида унинг Д.Бекжоновага тилла тақинчоқ олиб бериш нияти ҳам, имконияти ҳам йўқ эди.

Фирибгарга алданганини англаган Д.Бекжонова ички ишлар идорасига мурожаат қилади. Терговда Н.Нодирова айбига иқрор бўлди. Судда жабрланувчига етказилган зарарни

тўлиқ қоплаганини билдириб, енгилроқ жазо беришни сўради.

Суд ҳукми ўқиди. Унга кўра Н.Нодировага ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Дилшод КАМИЛОВ,**  
 жиноят ишлари бўйича  
 Учтепа тумани судининг раиси